

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАРАТОВА ДИНОРА АЛИШЕРОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ҲАЁТ
СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Баратова Динора Алишеровна

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасини
ривожлантириш йўллари..... 3

Баратова Динора Алишеровна

Пути развития накопительного страхования жизни в Узбекистане..... 25

Baratova Dinora Alisherovna

Ways of development of accumulative life insurance in Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАРАТОВА ДИНОРА АЛИШЕРОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ҲАЁТ
СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt711 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшов Мансур Пўлатович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қузиёва Наргиза Рамазановна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**«Uzbekinvest» экспорт импорт акционерлик жамияти
суғурта компанияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида суғурта ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги рискларнинг олдини олиш ва кўрилган зарарларни қоплаб бериш бўйича алоҳида ўрин тутади. Айниқса, инсон саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ рискларни бартараф этиш, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳам салбий, ҳам ижобий ҳодисаларни олдиндан молиялаштириш чораларини режалаштиришга талаб жуда юқори. Шу боис, «жаҳон суғурта бозорида умумий суғуртанинг улуши 45-46 фоизини ташкил қилса, ҳаёт суғуртасининг ўрни 54-55 фоизни ташкил этади. Тўпланаётган суғурта мукофотлари суғурта соҳаси ривожланган мамлакатлар ЯИМининг 8-10 фоизини ташкил этиб, унинг 60 % га яқини ҳаёт суғуртаси ҳиссасига тўғри келади»¹. Бу эса жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ҳаёт суғуртасининг ўрни ва унга талаб юқори эканлигини кўрсатади.

Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасини ривожлантириш борасида халқаро амалиётда кенг ҳажмли ишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотлар кўплаб дунё мамлакатларида ва айниқса ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг бўш маблағларини капиталлаштиришга йўналтириш бўйича тижорат банклари ва суғурта компаниялари ўртасида кетаётган рақобат масаласига бағишланган бўлиб, мазкур тадқиқотларининг мақсади аҳоли томонидан вақтинчалик бўш маблағларни ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компанияларига йўналтиришнинг афзаллигини асослаб бериш ва бундай маблағларни аҳоли томонидан суғурта компанияларига йўналтиришга қизиқишни оширишни таъминловчи восита ва усулларни ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада кўплаб тадқиқотларнинг хулосалари инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда суғурта суммаларини инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш усулларини қўллаш иккала томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланмоқда.

Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси мамлакат иқтисодиёти ва унинг фуқаролари учун муҳим аҳмиятга эга, чунки ушбу суғурта орқали инсон ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти билан боғлиқ турли қутилмаган ҳодисалар юз бериши натижасида оила иқтисодиётига етказиладиган зарарлар ўз вақтида қопланади. Мамлакат иқтисодиёти учун эса ҳаётни узоқ муддатга суғурталовчи суғурта компаниялари томонидан узоқ муддатга мўлжалланган катта ҳажмдаги инвестиция маблағлари йўналтирилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғуртанинг мазкур тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг исботи сифатида 2019 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»² қабул қилинган қарорнинг «Йўл харитаси»да ...ҳаётни суғурталаш хизматларининг янги инновацион турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масаласи алоҳида белгилаб қўйилди.

¹ <https://raexpert.ru> – сайт маълумотлари.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 апрелдаги ПФ-5464-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган «Йўл харитаси», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 майдаги 1-сон йиғилиш баённомаси билан «Тиббий суғурта тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш бўйича комиссиянинг ташкил этилиши ва шу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳаёт суғуртасининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш хорижий мамлакатларнинг олимлари А.Манес, Д.Бланд, К.Г.Воблый, Э.К.Бабаджанян, Л.А.Орланюк-Малицкая, С.Ю.Янова, В.В.Дрошнев, У.В.Семёнова ва бошқалар томонидан ўрганилган³.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Х.Жумаев, А.У.Бурханов, Н.Р.Қузиева, Қ.М.Қўлдошев, М.А.Мирсадиков, Х.М.Шеннаев, И.Х.Абдурахмонов, Х.М.Боев, О.Т.Юлдашев, Э.М.Максумов, Ш.Закирходжаева⁴ ва бошқалар томонидан суғуртанинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари,

³ Манес А. Основы страхового дела. Сокр. пер. с нем. -М.: Издат. Центр «Анkil» 1992; Бланд Д. Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute 1993; Воблый К.Г. Основы экономики страхования, Москва, Анkil, 1993; Бабаджанян Э.К. Социально-экономические предпосылки развития страхования жизни в России. Автореферат дисс. на соискание к.э.н. - Москва, 2003; Орланюк-Малицкая Л.А., Янова С.Ю. Страхование Москва, Юрайт, 2012; Дрошнев В.В. Демографическая детерминированность актуарных расчетов тарифов при накопительном страховании жизни: региональный аспект. // Страховое дело, 2015, сентябрь; Семёнова У.В. Развитие накопительного страхования жизни физических лиц в Российской Федерации. Автореферат дисс. на соискание к.э.н., Иркутск, 2014 г.

⁴Жумаев Н.Х., Максумов Э.М. Валюта операцияларини бошқариш механизмлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2006, Бурханов А.У., Эргашев Х.Н. Страхования пути минимизации рисков в транспортной сфере// «Научно технические аспекты инновационного развития транспортного комплекса»,- Международный научный форум Донецкий Народный Республики-2018, 24 май; Қўлдошев Қ.М. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси ва уни ривожлантириш муаммолари. //»Молия» илмий журнали 2014 й. 2-сон; Қузиева Н.Р. Суғурта фаолиятида инжиниринг жараёнларини қўллаш «Суғурта компаниялари инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами. 2020 йил 7 май; Мирсадиков М.А. Модуль «личное страхование» Ассоциация банков и Банковско-финансовая академия-Т.; 2014; Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори Т.: Иқтисод-молия, 2013; Абдурахмонов И. Суғурта назарияси ва амалиёти. Т.: Иқтисод-молия, 2018; Боев И.Х. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Тошкент, 2007; Юлдашев О., Закирходжаева Ш. Ҳаёт суғуртаси. Т.: иқтисод-молия, 2019.

хусусан ҳаёт суғуртасининг моҳияти, хусусиятлари, ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти тадқиқ этилган. Аммо ҳаёт суғуртасининг жамғариб бориладиган турларини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ва юқоридаги ҳолатлар мазкур муаммонинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ФМ-5 “Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний шахслар ҳаётини жамғариб бориладиган суғурта орқали суғурталашни ташкил этиш ва амалга оширишнинг назарий асосларини таҳлил қилиш, ушбу суғурта турининг моҳияти ва амалга ошириш принципларига аниқлик киритиш;

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали унга баҳо бериш, ушбу суғурта турининг ривожланишига тўсик бўлаётган ижтимоий-иқтисодий омилларни аниқлаш;

мазкур суғурта турининг хорижий мамлакатлардаги ҳолати ва шарт-шароитларини ўрганган ҳолда мамлакатимизда уни ривожлантириш йўллари аниқлаш;

жисмоний шахсларнинг ҳаётини жамғариб бориладиган суғурта орқали суғурталаш билан боғлиқ рискларни комплекс баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасига талабларини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакат суғурта бозорида ҳаёт микросуғуртасининг бизнес-моделини қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотларининг суғурта фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси, хусусан жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компанияларнинг давлат, суғурталанувчилар ва суғурта соҳасидаги бошқа субъектлар билан юзага келувчи молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқотни амалга оширишда мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик ва иқтисодий-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамғариб бориладиган (узоқ муддатли) ҳаёт суғуртаси бўйича солиқ имтиёзлари қисқартирилиши шароитида суғурталанувчиларнинг мазкур суғурта

турига нисбатан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга суғурта суммаси доирасида заём бериш таклифи ишлаб чиқилган;

фуқаролар ҳаётининг ёш жиҳатидан турли босқичлари ҳамда муҳим воқеа - ҳодисаларга мўлжалланган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш орқали жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасига талабни ошириш таклифи асосланган;

жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ таваккалчиликларнинг ички ва ташқи омилларини ҳисобга олинган ҳолда уларнинг компонентлари белгиланиб, «риск массаси» кўрсаткичи орқали баҳолаш таклифи этилган;

кам таъминланган ҳамда чекка ҳудудлардаги аҳоли қатламлари учун ҳаёт микросуғуртаси бизнес-моделини қўллаш тавсия этилган, бунда кам таъминланган оилалар учун мазкур моделни давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этиш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий фанда ҳаёт суғуртасининг генезисига аниқлик киритиш ва ҳаёт суғуртаси тўғрисидаги тушунчани кенгайтириш, ташкилий ҳамда молиявий хусусиятларини аниқлаштириш асосида қайта кўриб чиқилган, шу асосда унинг мазмуни ҳамда иқтисодий моҳияти янада кенгроқ ёритиб берилган;

суғурта хизматлари ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган «универсал суғурта полислари»нинг хусусиятлари ёритиб берилган ва уни қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида суғурта ҳимоясини амалга оширишнинг молиявий механизми ҳисобидан ушбу суғурта хизматларидан фойдаланувчи фуқароларнинг тўплаган маблағларини жамғарма учун трансформация қилишда амал қилиш талаб этилувчи принциплар ишлаб чиқилган;

жаҳон суғурта бозорининг глобаллашуви борасида сўнгги беш йилликда юзага келган тенденциялар аниқланган, ушбу бозор ривожланишининг асосий йўналишларини умумжаҳон миқёсида тасвирлашга эришилган;

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини оммавийлаштириш ва ривожлантириш учун кўплаб ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда кенг ва самарали қўлланилаётган ўзаро суғурта ҳамда унинг негизида ташкил этилувчи такафул суғуртасини (исломий суғурта) жорий этиш таклифи этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг аниқлиги ва ишонччилигини таъминлаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий база сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика кўмитасининг расмий сайтларида эълон қилинган маълумотлар, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари; халқаро ташкилотларнинг нашр этилган расмий маълумотлари, суғурта компаниялари расмий сайтларининг маълумотлари ҳамда ҳисоботлари, Internet тармоғида тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, изланувчи томонидан амалга оширилган тадқиқот маълумотларидан ташкил топганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мамлакатда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришда

фойдаланиб, бу ўз ўрнида фуқароларни самарали суғурта ҳимояси билан тўлиқроқ қамраб олиш ва аҳоли кенг қатламларини ижтимоий ҳимоялаш баробарида давлат харажатларини камайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлиб, республика суғурта бозорида фаолият юритаётган ҳаёт суғурта компанияларининг ўз фаолиятини кенгайтиришда потенциал суғурталанувчиларни жалб этишга қаратилган комплекс чоратадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳаёт суғурта компанияларида жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси маҳсулотларига талабни ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жамғариб бориладиган (узок муддатли) ҳаёт суғуртаси бўйича солиқ имтиёзларининг қисқартирилиши шароитида суғурталанувчиларнинг мазкур суғурта турига нисбатан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга суғурта суммаси доирасида заём бериш таклифи «ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2019 йил 5 июлдаги 02-п сонли буйруғи асосида амалиётга жорий қилинган («ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2020 йил 22 майдаги 31/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида суғурта компаниясида 2020 йил январь-февраль ойларида 47 та суғурта шартномаси тузиш ва 668,6 млн.сўм суғурта мукофоти келиб тушишига эришилган;

фуқаролар ҳаётининг ёш жиҳатидан турли босқичлари ҳамда муҳим воқеа - ҳодисаларга мўлжалланган суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, «ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2019 йил 5 июлдаги 02-п сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган («ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2020 йил 22 майдаги 31/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида суғурта компанияси томонидан 2019 йилда 57 та суғурта шартномаси тузилиб, 80,5 млн. сўм суғурта мукофоти тушуми таъминланган бўлса, 2020 йилнинг 1-чорагида 51 та суғурта шартномаси тузилиб, 261,03 млн. сўм миқдоридан суғурта мукофоти тушуми таъминланишига эришилган;

жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ рискларни ички ва ташқи омиллар инобатга олинган ҳолда компонентлари белгиланиб, «риск массаси» кўрсаткичи орқали комплекс баҳолаш усули «ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2019 йил 5 июлдаги 02-п сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган («ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2020 йил 22 майдаги 31/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалда қўллаш натижасида суғурта компанияси 2019 йилда тузилган суғурта шартномаларининг зарарлилик даражаси режадагига нисбатан ўртача 10 фоизга камайишига эришилган;

кам таъминланган ҳамда чекка ҳудудлардаги аҳоли қатламлари учун ҳаёт микросуғуртаси бизнес-моделини қўллаш, бунда кам таъминланган оилалар учун ушбу моделни давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этиш таклифи «ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2019 йил 5 июлдаги 02-п сонли буйруғи асосида амалиётга жорий этилган («ALSKOM-VITA» суғурта компаниясининг 2020 йил 22 майдаги 31/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалда қўлланилиши натижасида суғурта компаниясининг 2019 йил 7 ойлик фаолияти давомида 62 та суғурта шартномаси тузилиб, ушбу шартномалар орқали компанияга келиб тушган суғурта тушумлари ҳажми 551,4 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 та республикада ва 1 та хорижий журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий ишнинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг илмий-назарий асослари»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда суғурта соҳасидаги дунё олимлари илмий фикрлари ривожланиб бориш жараёнининг барча даврларида суғурта ва ҳаёт суғуртаси тўғрисидаги фикрларда турлича ёндашувлар давом этиб келганлигини эътиборга олган ҳолда дунё олимларининг бу борадаги фикрлари таҳлил қилинган ва жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси тўғрисида тадқиқотчининг ўз фикрлари шакллантирилган. Суғурта ва ҳаёт суғуртасининг моҳияти тўғрисидаги дунё олимларининг фикрларига асосланган ҳолда суғуртанинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий фикрлар даврларга бўлган ҳолда ўрганилган. Суғурта хусусан, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти, инсонлар ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётдаги аҳамияти, ушбу суғурта турларининг ўзига хос хусусиятлари борасидаги маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий-назарий фикрлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, ҳаётни суғурталашда рискни трансформация қилиш салбий ҳамда ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин, аммо бунда пул маблағларига эҳтиёжнинг юзага келиш эҳтимоли юқори бўлиб, бу талабнинг юзага келишини келтириб чиқаради.

Муаллиф томонидан XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланган суғурта тўғрисидаги илмий қарашлар қуйидагича умумлаштирилган:

1. Суғурта ва ҳаёт суғуртасининг моҳияти хорижий иқтисодчилар ва цивилистларнинг назарий фикрлари асосида шаклланди.

2. Суғурта тўғрисидаги шаклланган дастлабки назариялар қуйидагилар эди: зарарни тақсимлаш назарияси, зарарни қоплаш назарияси, эвентуал талаб назарияси, юз бериш эҳтимоли бўлган талабни қондириш назарияси, суғурта шартномаси назарияси.

3. Наф олиш ва капитални жамғаришни кўзда тутувчи ҳаёт суғуртаси бўйича тижорат характеридаги операцияларни аниқлаш.

4. Суғуртанинг умумий назарияси доирасида ҳаёт суғуртасининг илмий асосини амалга ошириш. Мулкый суғурта ва ҳаёт суғуртаси тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштириш ғояси янгиланди. Ҳаёт суғуртасининг ўзига хос хусусиятлари (жамғариш, рисклилик) ва қуйидаги натижалар олимларга ўз мақсадига эришиш имконини бермади:

-зарарни тақсимлаш назарияси ва зарарни қоплаш назарияси доирасида ҳаёт суғуртасининг моҳиятини ўрганишнинг иложи йўқлиги;

-хаёт суғуртасининг моҳиятини ёриб беришда эвентуал талаб назариясининг етарли эмаслиги.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, муаллиф томонидан хаёт суғуртасининг классификацияси ишлаб чиқилган ва унинг асосий мезонлари сифатида қуйидагилар келтирилган: суғурта предмети, суғурта мукофотини тўлаш тартиби, суғурта қопламасини амалга ошириш даврининг давомийлиги, суғурта қопламаси шакли, суғурта тўловлари тури, шартнома тузиш шакли. Ушбу классификацияга кўра, хаёт суғуртаси икки қисмга - рискли хаёт суғуртаси ва жамғариб бориладиган хаёт суғуртасига ажратилган. Хаёт суғуртасининг жамғариб борилувчи тури суғурталанувчининг узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларига йўналтирилиши, рискли хаёт суғуртаси эса суғурталанувчи хаётида юз бериш эҳтимоли бўлган бахтсиз ҳодисадан кўриладиган зарарни қоплашни кўзда тутган ҳолда қисқа муддатда тузилади.

Жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган хаёт суғуртасида суғурта ҳимоясини амалга оширишнинг молиявий механизми ҳисобидан ушбу суғурта хизматларидан фойдаланувчи фуқароларнинг тўплаган маблағлари жамғарма учун трансформация қилинади. Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун муаллиф томонидан қуйидаги принципларга риоя қилиш зарурлиги тақриф этилган:

1. Пуллилик. Жамғариш жараёни суғурта шартномасининг амал қилиши давомида суғурталанувчи томонидан суғурта мукофоти кўринишидаги маълум миқдордаги белгиланган сумма тизимли равишда тўлаб борилишини назарда тутди. Ушбу маблағлар ҳисобидан суғурталовчилар математик захираларни шакллантирадилар.

2. Қайтишлилик. Жамғариб бориладиган хаёт суғуртасида суғурталанган шахснинг вафот этиши ҳолатида суғурталовчи наф олувчига ушбу ҳолатда тўланиши назарда тутилган суғурта таъминотини амалга ошириши керак бўлади (ўша пайтда тўланиши керак бўлган қоплама ўтган давр давомийлигидан келиб чиқиб, суғурталанувчи томонидан тўланган маблағдан икки баравар ортиқ бўлиши ҳам мумкин). Маълум ёшга етишдан суғурталашда суғурталовчи суғурталанувчига (суғурталанган шахсга ёки наф олувчига) кафолатланган суғурта суммасини (бутун шартноманинг амал қилиши давомида тўланган суғурта тўловлари ҳисобидан шакллантирилган), ҳамда қўшимча равишда инвестицион фаолиятдан олинган даромадни (жамғарма қисм) тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

3. Муддатлилик. Жамғариб бориладиган хаёт суғуртаси шартномалари маълум муддатга тузилиши, шу билан бирга узоқ муддатлилик хусусиятига эга бўлиши керак. Бунда вафот этишдан суғурталашда вафот этиш ҳодисаси эҳтимоллик хусусиятига эга бўлганлиги учун қопламани тўлаш вақти ҳам номаълум бўлиб, маълум ёшга етишни суғурталашда эса қопламани тўлаш вақти аниқ белгиланган бўлиши зарур.

4. Даромадлилик. Жамғариб борилувчи хаёт суғуртаси шартномада келишилган кафолатланган суммани тўлаш ҳамда қўшимча равишда, суғурталанувчи тўлаган суғурта тўловлари ҳисобидан шакллантирилган жамғармани суғурталовчи томонидан инвестицияга йўналтириб олинган даромаднинг бир қисмини қўшимча тўлашни кўзда тутди.

Муаллифнинг фикрича кўра, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси жисмоний шахсларнинг (суғурталанувчилар ва суғурталанган шахслар) ҳаётидаги салбий ва ижобий ҳолатлар билан боғлиқ ва юқорида келтирилган принципларга асосланган ҳолда уларнинг мулкӣ манфаатларини химоя қилишга йўналтирилган суғурта туридир.

Бинобарин, муаллиф шундай ҳисоблайди, яъни ҳаёт суғуртасида рискнинг моҳиятини ўганиш фақат салбий оқибатларнинг юз бериши нуқтаи назаридан қаралса, унинг мазмунига салбий ёндашилишига олиб келади, бундай ёндашувни фақат рискли ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ рискнинг моҳиятини асослаш учун қўллаш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг фикрича, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида риск – бу инсонлар ҳаётида салбий ҳодисалар шу билан бирга ижобий ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимоллиги бўлиб, иккала ҳолатда ҳам суғурталанувчи (суғурталанган шахс, наф олувчи) суғурталовчи томонидан тақдим этилувчи моддий манфаатдорликка эга бўлади.

Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг барча турларида суғурта суммалари ва суғурта тўловлари вақт ўтиши билан инфляциянинг таъсирида қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида индексациялаш кўзда тутилиши керак ҳамда суғурта суммасига кўшимча равишда инвестицион даромад тўланишини кўзда тутилиши, бундан ташқари суғурталовчи томонидан бошқа бонуслар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Тадқиқот ишида «риск массаси» тушунчасининг моҳияти, унинг ҳаёт суғуртасидаги ўрни ёритиб берилган ва ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Россиялик иқтисодчи олимлар Ю.В.Рожков ва Л.П.Дроздовская иқтисодиётда риск массаси тушунчасига қуйидагича ёндашувни келтирганлар: «рискнинг қийматли массаси тармоқ хусусиятларига, рискни баҳолашнинг молиявий-ҳуқуқий меъзонлари асосидаги қоплаш муддатларига боғлиқ ички ва ташқи омилларнинг ялпи комплекс таъсирининг қийматидир. Тизимли ёндашув принципларига жавобан риск массаси, биринчидан, самарали қўшилган қийматни яратиш имконияти тўғрисидаги ва лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги саволга жавоб бериши, иккинчидан, ўзаро боғлиқ элементлар ва компонентларнинг ички тузилмаси тўғрисида тушунча бериши зарур»⁵.

Мазкур кўрсаткични ҳаёт суғуртасида қўллашнинг долзарблиги ва аҳамиятлилиги жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг қуйидаги турли кўринишларида баъзи жараёнларни аниқлашда кўринади:

-ҳаётнинг аралаш суғуртаси, нафақа суғуртаси ва маълум ёшга етишдан суғурталашда – кўпроқ натижадор маҳсулотлар опцияларини танлашда амалга оширилувчи таҳлил жараёнида;

-инвестицион ҳаёт суғуртасида – кўпроқ самарали бўлган инвестиция вариантларини танлашда.

Муаллиф томонидан, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида риск массаси, барча ички ва ташқи омилларнинг таъсирини тасвирловчи ҳамда жамғариш

⁵ Дроздовская Л.П., Рожков Ю.В. Интермедиация риска на информационно-кредитном рынке: монография.- Хабаровск: РИЦ ХГАЭП, 2010. -180 с.

жараёнининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини тизимли таҳлил қилиш имконини берувчи, пул шаклида ифодаланган миқдорий катталиқ сифатида тушуниш таклиф этилган. Ушбу тушунча жамғариш жараёни ички таркибининг элемент ва компонентларининг ўзаро алоқасини аниқлаш ва таҳлил қилиш, ҳамда уларнинг жамғариш жараёнини амалга ошириш давомида суғурта шартномаси субъектлари томонидан турли кўринишдаги қарорлар қабул қилишга таъсирини аниқлаш имконини беради.

Умуман, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасида «риск массаси» кўрсаткичидан фойдаланиш мазкур суғурта турининг шаффофлигини ошириш имконини беради.

Мазкур бобда хорижий мамлакатлар АҚШ, Россия ва Япония тажрибалари ўрганилган бўлиб, томонлар мажбуриятларининг қатъий таркибига эга бўлган, амалга оширилган ҳисоблар шаффофлиги таъминланмаган суғурта шартномалари ўрнига универсал ҳаёт суғуртаси полислари деб аталувчи, эгилувчан хусусиятга эга суғурта шартномалари билан алмаштирилганлиги ва шундай шаклдаги суғурта полисларини мамлакатимизда қўллаш яхши самара бериши кўрсатиб берилган.

Бундай суғурта шартномалари амал қилиши давомида ҳар бир аниқ суғурталанувчининг индивидуал талабларини ҳисобга олган ҳолда, унга ўзгартиришлар киритиш (суғурта суммаси қиймати, суғурта мукофотини тўлаш графиги, суғурта дастурларини ўзгартириш ва ҳоказо) имконини беради. Ушбу универсал ҳаёт суғуртаси схемалари яратилишидан бошлаб АҚШ ва Япония суғурта хизматлари одатдагидан бошқача тарзда юқори даражадаги ўсишни таъминлади. Бугунги кунда ҳам ғарб суғурта компанияларининг стандарт суғурта маҳсулотлари таркибига киради.

АҚШ суғурта бозори дунё бўйича энг юқори кўрсаткичга эга суғурта бозори ҳисобланади. Бунга сабаб АҚШда суғурта компаниялари ўртасида кучли рақобат мавжудлиги ва аҳоли суғурта маданияти юқорилиги туфайли улар суғуртадан кераклиги учун эмас, фойда кўриш учун фойдаланади.

Япония суғурта бозори ҳам дунёда етакчи бозорлардан бири бўлиб, 2018 йил маълумотларига кўра, Япония ҳаёт суғурта бозорида онкология касалликлари бўйича таклиф этаётган суғурта маҳсулоти жуда оммалашиб кетди. 2019 йил маълумотларига кўра, ҳаёт суғуртаси бўйича тузилган суғурта шартномалари сони 22.53 миллионга етди. Тузилган суғурта шартномаларининг 22,1 %ни ихтиёрий тиббий суғурта, 18.4% ни узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси, 16.8 %ни қисқа муддатли ҳаёт суғуртаси ва 16.8 %ни онкология касалликлари ҳаёт суғуртасини ташкил қилди.⁶

Олиб борилган тадқиқотлар асосида суғурта бозорининг ривожланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткич – ЯИМда суғурта хизматларининг ҳиссаси аниқланиб, баъзи дунё мамлакатлари билан таққосланган (1-жадвал).

⁶ Япония ҳаёт суғуртаси ассоциацияси маълумотлари.

Ялпи ички маҳсулотда суғурта мукофотлари улуши⁷

№	Мамлакатлар	Йиллар			
		2016	2017	2018	2019
1.	АҚШ	7,6	11	9,7	11,3
2.	Япония	10,6	10	9,8	10,2
3.	Россия	1,23	1,24	1,36	1,5
4.	Ўзбекистон	0,35	0,37	0,40	0,45

1-жадвал маълумотларига кўра, сўнгги йилларда таҳлил қилинаётган давлатлар ЯИМда суғурта хизматларининг улуши ошиб борган. Хусусан, 2019 йилда 2016 йилга нисбатан АҚШ ялпи ички маҳсулотида суғурта хизматларининг ҳиссаси 3.7 фоизли пунктга ошган ҳолда 11,3 фоизни ташкил этган. Японияда эса, ушбу кўрсаткич мос равишда 0.4 фоизли пунктга пасайган ҳолда 10,2 фоизни ташкил этган. Россияда бу кўрсаткич ривожланган давлатлардаги сингари юқори бўлмаса-да, сўнгги йилларда ўсиш юз бермоқда.

Ўзбекистондаги мазкур кўрсаткич келтирилган давлатларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлиши билан бирга, юқори ўсиш даражаси ҳам эга эмас. Олиб борилган таҳлиллар кўрсатдики, Россияда суғурта компаниялари билан тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада йўлга қўйилганлиги, яъни ҳаёт суғуртаси маҳсулотларининг ўртача 70 фоизи кредит ташкилотлари орқали сотилаётганлиги суғурта хизматлари ҳажми ортишини таъминлаб берган⁸. Мамлакатимизда бугунги кунга қадар суғурта компаниялари билан банклар ўртасида бу борадаги ҳамкорлик талаб даражасида шаклланмади.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳаёт суғуртасининг ривожланишига фақатгина мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлиги эмас, балки суғурталовчилар томонидан турли кўринишдаги инновациялар қўлланилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, истеъмолчиларга такафул бизнес-моделли, микросуғурта ва банксуғурта сингари инновацион моделларни таклиф этилмоқда.

Малайзия, Индонезия, Судан, Саудия Арабистони сингари аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этувчи мамлакатларда такафул суғурта суғуртанинг етакчи шаклига айланди. Кейинги йилларда суғуртанинг ушбу шаклидан Америка мамлакатларидаги суғурталовчилар ҳам фойдаланишини йўлга қўйиб, ўз миқдорларини кўпайтиришга эришилмоқда. Ушбу суғурта модели асосан ҳаёт суғуртасини амалга оширишга йўналтирилган. Статистик маълумотларга кўра, такафул суғуртасининг дунё миқёсидаги ривожланган йиллик 15-20 фоизни ташкил этмоқда.⁹

Ўзбекистонда такафул суғуртасини йўлга қўйиш ва кенг оммавийлаштиришга зарурат туғилмоқда. Бунинг учун мазкур суғурта шаклининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва аҳолига ушбу суғуртанинг моҳиятини тушунти-

⁷ <https://www.moody's.com> – Moody's рейтинг агентлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁸ Семенова Е.В. Развитие накопительного страхования жизни физических лиц в Российской Федерации. Автореферат дисс. На соискание к.э.н. – Иркутск: 2014.

⁹ w.w.w.stat.uz. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

риш талаб этилади. Ваҳоланки, Қозоғистонда такафул суғуртасининг қонунчилик асослари яратилгани ва ушбу суғурта шаклининг амал қилаётганига ўн йил бўлди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасининг ҳозирги ҳолати» деб номланган. Мустақилликнинг илк даврларида мамлакатда ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи ягона суғурта ташкилоти фаолият юритган бўлса («Ўзбекинвест ҳаёт» ШК), бугунги кунда уларнинг сони 8 тага етди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасининг ривожланиш динамикаси (жами суғурта мукофотларига нисбатан ҳаёт суғуртаси компаниялари улуши, % да)¹⁰

№	Суғурта компаниялари	Йиллар					
		2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Ўзбекинвест Ҳаёт	3,8	4,1	5,2	6,8	6,2	4,1
2.	Alfa Life	0,5	0,7	1,0	1,9	1,5	2,9
3.	New Life Insurance	0,5	1,4	2,3	4,8	9,8	9,3
4.	Agros Hayot	-	-	-	1,4	7,9	4,2
5.	Euroasia Life	-	-	-	-	0,1	3,3
6.	Kafolat Hayot	-	-	-	-	0,01	1,0
7.	Apex Life	-	-	-	-	-	0,5
8.	Alskom Vita	-	-	-	-	-	0,1
9.	Ҳаёт суғуртасининг жами суғурта бозоридаги ҳиссаси	4,9	6,2	8,5	14,9	25,5	25,4

2-жадвал маълумотларига кўра, ҳаёт суғуртасининг жами суғурта хизматларидаги улуши 2014 йилда 4,9 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилга келиб, 20,5 фоизли пунктга ошиб, 25,4 фоизни ташкил қилди. Ушбу ҳолат юқори ўсиш даражасини ташкил этса-да, суғурта соҳаси ривожланган мамлакатлар билан таққосланганда катта фарқ мавжудлигини кузатиш мумкин. Бундай мамлакатларда тўпланган жами суғурта мукофотларида ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси 50 %дан ортиқни ташкил этади, яъни ушбу мамлакатларда тўпланаётган суғурта мукофотларининг асосий қисми ҳаёт суғуртаси ҳиссасига тўғри келади.

Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси кўрсаткичи бўйича жами суғурта мукофотлари ҳиссаси 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 0,05 фоизга ўсгани ҳолда, ҳаёт суғуртаси мукофотларининг ушбу даврдаги мазкур кўрсаткич бўйича ўсиши 0,01 фоизни ташкил этган. Хулоса қилиш мумкинки, ҳаёт суғуртасининг ўсиш даражаси 2019 йилда барча кўрсаткичлар бўйича пасайиш тенденциясига эга (2-жадвал).

2019 йилда ҳаёт суғуртаси тармоғида ўсиш даражасининг пасайиши, ҳаттоки баъзи компанияларда камайиш юз берганлигига 2019 йил 2 августда қабул қилинган 4412-сонли қарор асосида солиқ имтиёзларини қўллаш бўйича киритилган ўзгаришлар сабаб бўлган дея хулоса қилиш мумкин. Чунки ҳаёт суғуртасидаги ўсиш мамлакатимизда асосан давлат томонидан тақдим этилган солиқ бўйича имтиёз эвазига амалга ошмоқда.

¹⁰ mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Муаллифнинг фикрича, солиқ соҳасидаги имтиёзлар одатда вақтинчалик хусусиятга эга бўлади. Шунинг эътиборига олган ҳолда суғурта компаниялари солиқ имтиёзидан самарали фойдаланиш билан бирга, имтиёзсиз турли жалб этувчи воситалардан фойдаланишга эътибор қаратиш зарур. Бунда асосий эътиборни инфляция ва девальвациянинг таъсирини ҳисобга олган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишга қаратиш лозим.

3-жадвал

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари динамикаси (млрд. сўмда)¹¹

№	Суғурта компаниялари	Йиллар					
		2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Ўзбекинвест -Ҳаёт	16,5	21,9	36,0	63,5	101,2	95,1
2.	Alfa Life	2,4	3,6	6,9	17,5	24,4	67,4
3.	New Life Insurance	2,4	7,9	16,3	44,7	159,9	214,4
4.	Agros Hayot	-	-	-	12,9	129,6	96,3
5.	Euroasia Life	-	-	-	-	2,0	78,5
6.	Kafolat Hayot	-	-	-	-	0,2	22,4
7.	Apex Life	-	-	-	-	-	11,2
8.	Alskom Vita	-	-	-	-	-	1,2
9.	Жами:	21,3	33,4	59,2	138,6	417,3	586,5
10.	Йиллик ўсиш, %		156,8	177,2	234,1	301,1	140,6
11.	Киши бошига тўғри келган суғурта мукофоти, сўм	699	1076	1875	4244	12548	17298
12.	Жами суғурта мукофотлари, млрд.сўм	439,1	551,5	692,6	927,5	1635,2	2314,1
13.	Йиллик ўсиш, %	129,7	125,6	125,6	133,9	176,3	141,5
14.	ЯИМ, трлн.сўм	145,9	171,8	199,3	249,1	406,6	511,8
15.	Жами суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси, %	0,30	0,32	0,35	0,37	0,40	0,45
16.	Ҳаёт суғуртаси мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси, %	0,01	0,02	0,03	0,06	0,10	0,11

3-жадвал маълумотларига кўра, 2019 йилга келиб, мамлакат бўйича киши бошига тўғри келган ҳаёт суғуртаси мукофотлари 17 298 сўмни ташкил этган бўлиб, бу аҳоли йиллик даромадларининг 0,17 %ни ташкил этган. Шу ўринда, таққослаш мақсадида мамлакатимиз аҳолисининг тижорат банкларидаги омонатлари таҳлил қилинганда, 2019 йилда жами аҳоли омонатлари 91.3 трлн. сўмни ташкил этиб, киши бошига тўғри келган омонат ҳажми 2 692 754 сўмни ташкил этган маълум бўлди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта компаниялари таклиф этаётган суғурта маҳсулотларининг жозибадорлик даражаси паст, яъни уларда мавжуд катта имкониятдан фойдалана олинмаптилар.

Бу эса, аҳоли ўз маблағларини суғурта компанияларига эмас, балки банкларга омонатга қўйишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, ўз маблағини суғурта компаниясига йўналтирганда суғурталанувчи учта имкониятга эга бўлади: солиқ

¹¹ mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ва stat.uz -Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси расмий сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

имтиёзига эга бўлади, ўз ҳаётини маълум рисклардан суғурталайди, кўшимча даромадга эга бўлади. Ўз маблағини банкка йўналтирганда фақат битта имконият, яъни кўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Суғурта компанияларида суғурта шартномалари сонини ошириш мақсадида самарали маркетинг тадқиқотлари олиб борилмаяпти. Суғурта маҳсулотлари асосан агентлар ва тўғридан-тўғри сотиш каналларидан фойдаланган ҳолда сотилди. Хорижий мамлакатларда суғурта маҳсулотларини сотишда суғурта компаниялари кредит ташкилотларидан самарали фойдаланади.

Тадқиқот ишида ҳаёт суғуртаси алоҳида компания мисолида ҳам тадқиқ этилган бўлиб, муаллиф кўп йиллардан буён фаолият юритиётган «Ўзбекинвест ҳаёт» суғурта компанияси фаолиятини ўрганишга муваффақ бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

«Ўзбекинвест ҳаёт» суғурта компанияси суғурта мукофотлари динамикаси (млрд.сўм)¹²

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
Суғурта мукофотлари	21.9	36.0	63.5	101.2	95.1
Юридик шахслардан келиб тушган мукофотлар	3,33	3,39	4,39	9,08	8,98
Жисмоний шахслардан келиб тушган мукофотлар	12,59	24,42	49,33	82,94	77,99
Суғурта шартномалари сони	14686	17037	23405	28000	31404

4-жадвал маълумотларига кўра, «Ўзбекинвест ҳаёт» суғурта компаниясининг суғурта мукофоти бўйича кўрсаткичи йил сайин ошиб борган. Тузилган суғурта шартномаларининг асосий қисми тўғридан-тўғри жисмоний шахсларнинг ўзлари билан тузилган шартномалардан ташкил топган. 2019 йилда суғурта шартномалари сони бўйича ўсиш кузатилган бўлса-да, ўсиш даражаси пасайган, суғурта мукофотлари тушуми бўйича эса барча кўрсаткичларда мазкур йилда пасайиш юзага келган бўлиб, амалга оширилган таҳлилларга кўра, ушбу пасайиш солиқ имтиёзидаги ўзгариш ҳисобига юз берган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси ривожланишини эконометрик таҳлил қилиш мақсадида «Ўзбекинвест» ҳаёт суғурта компаниясининг 2008-2019 йиллар бўйича йиллик маълумотларидан бир қатор омиллар танлаб олинган:

Y – натижавий кўрсаткич - «Ўзбекинвест» ҳаёт суғурта компаниясининг суғурта мукофотлари (млн. сўм),

Таъсир этувчи омиллар, яъни регрессорлар: X_1 – «Ўзбекинвест» ҳаёт суғурта компаниясининг суғурта қопламалари (млн. сўм); X_2 – «Ўзбекинвест» ҳаёт суғурта компаниясининг суғурта шартномаси сони (бирлик); X_3 – Ўзбекистон Республикаси ЯИМ, (млрд.сўм); X_4 - Ўзбекистон Республикаси аҳоли жон бошига ЯИМ (минг сўм); X_5 – Ўзбекистон Республикасидаги инфляция (%); X_6 – Ўзбекистон Республикасидаги АҚШ долларининг расмий курси (минг сўм);

¹² «Ўзбекинвест ҳаёт» суғурта компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

X_7 – Ўзбекистон Республикаси валютаси девальвацияси (%); X_8 – Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жон бошига реал умумий даромадлар (минг сўм).

Вақтли қаторлар асосида эконометрик моделлаштириш Stata 14 дастурида амалга оширилган:

Тадқиқот давомида танланган омилларнинг нормал тақсимооти тести ўтказилиб, натижалар олинган. Хулоса қилиш мумкинки, танлаб олинган омиллар нормал тақсимоот қонунига бўйсунган.

5-жадвал маълумотларидан фойдаланиб кўп омилли эконометрик моделнинг математик кўриниши келтирилган:

$$\ln y = 3,8077 + 1,1228 \ln x_4 + 0,1451 \ln x_5 - 0,1824 \ln x_6 \quad (1)$$

5-жадвал

Ўзбекинвест ҳаёт суғурта компанияси ривожланишининг регрессион модели¹³

```
. reg lnY lnX4 lnX5 lnX6
```

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	12
Model	22.636465	3	7.54548834	F(3, 8)	=	14807.28
Residual	.004076638	8	.00050958	Prob > F	=	0.0000
Total	22.6405416	11	2.05823106	R-squared	=	0.9998
				Adj R-squared	=	0.9998
				Root MSE	=	.02257

lnY	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lnX4	1.122862	.0280937	39.97	0.000	1.058078 1.187646
lnX5	.145127	.0602413	2.41	0.043	.0062102 .2840437
lnX6	-.1824077	.0737988	-2.47	0.039	-.352588 -.0122274
_cons	3.807758	.3073178	12.39	0.000	3.099081 4.516434


Кўп омилли эконометрик модель (9) сифатини текшириш учун детерминация коэффиценти текширилади. Детерминация коэффиценти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффиценти (R^2 - R-squared) 0,9998 га тенг. Бу эса «Ўзбекинвест ҳаёт» суғурта компанияси суғурта мукофотлари ҳажмининг 99,98 фоизи (9) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан иборат эканини кўрсатмоқда. Қолган 0,02 фоизи ҳисобга олинмаган омиллар таъсири натижасидир.

Ҳар бир омил бўйича t-мезоннинг ҳисобланган қийматлари $\alpha = 0,05$ аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кузатиш мумкин (5-жадвал). Бу эса, мазкур омилларнинг кўп омилли эконометрик моделда қатнашиши имконини беради. Кўп омилли эконометрик моделда (9) $\ln X_4$ нинг эҳтимоллиги (0,000) $\alpha = 0,05$ дан кичик бўлганлиги, $\ln X_5$ нинг эҳтимоллиги (0,043) $\alpha = 0,05$ дан кичиклиги ва $\ln X_6$ нинг эҳтимоллиги (0,039) $\alpha = 0,05$ дан кичик бўлганлиги учун ушбу омиллар статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик моделга шуни кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ЯИМ ($\ln x_4$) ўртача 1,0 фоизга ортса,

¹³ Муаллиф томонидан Stata 14 дастурида ҳисобланган.

«Ўзбекинвест» ҳаёт суғурта компаниясининг суғурта мукофотлари ҳажми ($\ln y$) ўртача 1,1228 фоизга ортиши мумкин экан. Бу ерда аҳоли даромади ошиши натижасида ушбу самара келиб чиқиши тахмин қилинмоқда. Мамлакатимизда инфляциянинг ($\ln x_5$) ўртача 1,0 фоизга ортиши, «Ўзбекинвест» ҳаёт суғурта компаниясининг суғурта мукофотлари ҳажмини ($\ln y$) ўртача 0,145 фоизга ортишига олиб келар экан. Бунда инфляциянинг бевосита таъсири кузатилади ва моделнинг мантиқий жиҳатдан адекватлигини исботлайди.



